



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@exat.uz 2013 yil 25 oktabr • №43 (4234)

ОҚКЎНГИЛ ВА САХОВАТЛИ КУЗ

Кўз сазовати. Фотозтўд.

“Бу йил фермер хўжалиги раҳбари Фарҳод Холиқов туман ижодкорлари тўплами чоп этилишига ҳомийлик қилади”, — дейди “Хатирчи ҳаёти” газетаси муҳаррири Анваржон Ҳосилов гуру билан. Қалингина кўк муқовали китобни ҳавас билан варақлаймиз. Хатирчи заминда улғайиб, донни бутун юртга таралган Пўлкан бахшидан тортиб, ижод майдонига эндигина қадам қўйган қалам аҳлига минбар тошди. Тўпламининг номи ҳам самимий ва раъсий: “Ирмоқлар туташганда”. Ҳа, инсон кўнглидаги ирмоқлар туташиб, жилғаларни, жилғалар эса дарёларни ҳосил қилади!

изоҳ беради “Қизилтепа тонги” газетаси муҳаррири Райим Мақсудов.

Аслида бу манзилни эндиликда чўл деб бўлмайди. Машинамиз олиб бораётган йўлнинг икки чети пахтазор, бирига туташ боғлар. Ариқлар четида қатор тизилган дараклар машинага интилаётгандек! Осмон эса тўнтариб қўйилган кўк чинни лаганга ўхшайди. Қора тасмадек чўзилган йўлларда бири-бирини қувалаб пахта ташиётган уловлар хали ҳам тингани йўқ. Улар гўё оқ булутни опичлаб олганга ўхшайди. Шу топда шoirнинг гўзал мисралари кўнглингиздан ўтади:

Олтин Ўзбекистон тупроғи бу қун,
Бир пари фаслнинг оғушида маст.
Шабнам шовуллайди боғлар қўйнида
Салқин туман ичра бўзарар тонлар.
Кўёшнинг эричқоқ ёғдуларида
Нафис ялтирайди барги ҳазонлар.
Ҳар ёқда тўкилик... Қуздан ишона,
Ҳар ёнда гўзаллик ёймиш дафтарин...

кўнглиларни ҳам обод қилаётдилар...
Қизилтепа тумани пахтазорларининг асосий қисми чўл худудига тўғри келади.

— Чўлда деҳқончилик қилиш осон эмас, чўлнинг инжиқликлари кўп:

Ватан учун яшайлик!

кўкларнинг намгарчилигига, ёзининг жазирама иссиғига, одамни учирғудай бўлиб кутурадиган гармселига чидаганлар ҳосил олади бу ердан, — дея

Давоми иккинчи саҳифада.



«ЎЗБЕК ТИЛИ ҲАМДА ТИЛШУНОСЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ»



Ўзбек тилининг бой ифода имкониятларини ўрганувчи илмий ходимлар учун луғат, албатта, ўзига хос манба вазифасини ўтайди. Шоир, ёзувчи, таржимон, журналист, умуман сўз билан ишлайдиган ижодкорларга луғат халқ миллий-маданий тафаккурининг кўзгуси бўлиши воситалар тизимини тугал тасаввур қилиш, уларни нутқда кўзда тутилган мақсадга, матндаги бадиий-эстетик ниятга мувофиқ тарзда танлашда энг қўлай кўмакчи бўлади. Қолаверса, ўзбек тилининг таъсир ва таъсир кучига бефарқ бўлмаган, кўнглида гўзал нутққа ошувталлик туйғуларини ҳис қилган ҳар бир кишининг ўз нутқи тақомилига дахлдор саъй-ҳаракатларида луғат, албатта, қўл келади.

Доимий ҳамроҳ

“Маънавият” нашриётида чоп этилган тилшунос олимлар Низомиддин Маҳмудов ва Дурдона Худойберганоунинг “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати” китоби ана шундай барчага бирдек зарур қўлланмадир. Луғатда жами 530 дан зиёд ўзбек тилидаги турғун ўхшатишлар қамраб олинган.

Турғун ўхшатишдаги энг муҳим қисм ўхшатиш эталони ҳисобланади. Шунинг учун луғатда ўхшатиш эталонлари луғат мақолаларининг сарлавҳаси сифатида берилган. Ўхшатиш эталонларини изоҳлашда,

асосан, ўхшатиш асосига суянилган, яъни изоҳ сифатида ўхшатиш асосидаги белги (хусусият, ҳаракат, ҳолат)ни ифода-ловчи сўз берилган, ўхшатиш учун асос, бўлган маъно батафсил тавсифланган. Бу изоҳлар ўзбекча, асосан бадиий матндан олинган мисоллар билан далилланган.

Китобнинг илк сарлавҳасида филология фанлари доктори, профессор Н.Маҳмудовнинг “Ўхшатишлар — образли миллий тафаккур маҳсули” сарлавҳали илмий мақоласи берилган. Унда муаллиф ўхшатишларнинг поэтик фигура сифатида ўрганилиши, таркиби, бадиий-эстетик қиммати, бадиий нутқдаги ўрни, идиома, эпитет, метафорадан фарқли ҳамда уларга ўхшаш жиҳатлари каби мавзулар борасида фикр юритади. Шунингдек, китобда луғатнинг тузилиши ҳақида ҳам маълумот берилган.

Ушбу луғатдан гуманитар йўналишдаги таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабалари бадиий асар тили ва услубини, нутқнинг коммуникатив сифатларини таҳлил қилишда қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин. Нашр муҳаррири Б.Умаров.

ТИНЧЛИК-ОМОНЛИК КЕРАК

Юртни авайлаб қош ила кўздек, Азалдан болам деб яшайди ўзбек. Меҳру мурувватда, бағрикенгликда Баайни кўёшга ўхшайди ўзбек. Бир фарзанд туғилса эккан минг терак, Эл-юртта тинчлигу омонлик керак.

Бизга ажлоллардан мерос — эзгулик, Дилдаги иштиёқ, ихлос — эзгулик. Бало-қазолардан асраб қолғувчи Меҳрибон шу халқимга хос — эзгулик. Бахти Ватан бахти билан муштарак Эл-юртта тинчлигу омонлик керак.

Шеърлий паҳза

Мўл-қўл айлаб ҳар йил пахтаю донни, Шарофат чулғайай Ўзбекистонни. Кўёш Ер шарини минг бор айланаб, Тополмас ўзбекдай фидойи жонни. Қўқсимда ловуллаб қуйлайди юрак, Эл-юртта тинчлигу омонлик керак.

Она юртга жоним эттум деб фидо, Мардларинг қалбидан учгайдири нило, Ватан тақдирдан оғоҳмиз, оғоҳ, Кямки оғоҳ бўлса, асрагай Аллоҳ. Одамзот қалбиде энг эзгу тилак, Дунёга тинчлигу омонлик керак.

Закрилла НЕЪМАТ

ДЕҲҚОН КУТГАН МАШИНА

Айни чоғда, миллий иқтисодиётнинг етакчи соҳалари бўлиши тўқимачилик ва енгил саноат тармоқларига хорижий инвестициялар жалб этиш борасида яратилган қўлай муҳит, пахтачиликни ривожлантириш стратегияси билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди.

Истиқбол ва иқтисод

Жаҳон пахта бозорининг Тошкент форуми иштирокчилари “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тизимидаги “Ўзбекистон” пахта тозалаш заводи, “Тошкент-Тола” ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминали, “UZTEX Tashkent” тўқимачилик фабрикаси ва бошқа корхоналарда бўлиб, хомашёни қайта ишлаш, чет эллик шерикларга толани етказиб бериш ҳамда ўзбек пахта толасидан сифатли

тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларини катта қизиқиш билан кузатдилар.

Анъанавий пахта бозорининг ялпи мажлисида чет эллик соҳа мутахассисларига мамлакатимизда сифатли пахта толаси етиштириш мақсадида истиқболли гўза навлари яратилаётгани, экин парваришига илм-фан ва техника ютуқлари, замонавий технологиялар изчил жорий этилаётгани, қайта ишлаш тизимини тубдан модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар хусусида батафсил маълумот берилиб, пахта йиғим-теримини механизациялаш, янги типдаги мукамал терим агрегатлари яратишга доир изчил саъй-ҳаракатларимизга ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, мазкур нуфузли анжуманда таъкидланганидек, бу йилги йиғим-терим мавсумида мингдан ортик пахта териш машиналари иштирок этди. Уларнинг аксарияти Тошкент трактор заводида Жанубий Корея ва Италия машинасозлари билан ҳамкорликда яратилган бўлиб, авваллари ишлатилган шу турдаги механизмлардан тубдан фарқ қилади.

Келгуси йил йиғим-терим мавсумига қадар мамлакат фермер хўжалиқларига уч мингта шундай терим машиналари етказиб берилади. Шу билан бирга, уларни янада такомиллаштириш юзасидан ҳам изланишлар давом этмоқда. Машинанинг конструктив қисмларига оид янги техник ечимлар қўлланган олти турдаги модификация синовдан ўтмоқда. Шу муносабат билан 2016 йилдан бошлаб пахтанинг 80-90 фоизини механизмлар билан йиғиштириб олиш кўзда тутилаётир.

Давоми иккинчи саҳифада.



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ВА ТОШКЕНТ АДАБИЙ МУҲИТИ

Баранча нақола

Жаҳон адабиёти тараққийига катта ҳисса қўшган ёзувчиларнинг ҳам, асарлари кичикроқ давраларда севиб ўқилган қалам аҳлининг ҳам шаклланишида адабий муҳитнинг таъсири оз эмас. Ёзувчи қай даражада истеъдодли бўлмасин, дунёқарашининг шаклланиши ва бадиий маҳоратининг камол топишида нафақат у таҳсил олган ўқув масканлари, балки у дахлдор бўлган адабий муҳитнинг аҳамияти фоят катта. XX асрнинг 10-йилларида шеърят, драматургия ва насрда озми-кўлими машқ қила бошлаган Абдулла Қодирининг 20-йиллар арафасида “Ўтган кунлар” романини ёзишга киришиши ва 20-йилларнинг ўзидасяк икки буюк романи яратиши

ажаботвор ҳодиса. 1913 йилда “Садон Туркистон”, “Самарқанд” газеталари ва Татаристонда чоп этилган вақтлар нашрларга кўзи тушгунга қадар деҳқончилик, тоқчилик ва приказчилик билан машғул бўлган, 1917 йил феврал инқилобидан кейин ҳам бир неча йил халқ миляцияси ва озиқ-овқат комитетига хизмат қилган йиғитнинг 1918 — 1919 йиллардаёқ роман жанрига қўл уриши бахтли тасодифми? Ёки у шу йилларга қадар Тошкентдаги “адабий” ҳаводан нафас олиб, ўзини роман-нависликка чоғлаб-тайёрлаб келганими? Афсуски, бундай саволларга Қодирий ҳақдаги на илмий, на мемуар адабиётдан жавоб топамиз.

XX аср ўзбек адабиёти

XIX аср охири — XX аср бошларида Тошкентдаги адабий-маданий ҳаёт асосан “Кўкалдош”, “Беклар беги”, “Бароққон”, Абул Қосим, Хўжа Аҳрор мадрасаларида, шунингдек, айрим чойхона, дўкон ва хонадонларда кечган. Дастлабки икки мадрасанинг мавқеи фоят баланд бўлган. “Кўкалдош”да машҳур тошкентлик хаттот, “Тигбандий” тахаллуси билан шеърлар ёзган Шохмурод хотиб (1850

— 1922), шоир Қосимхон тўра Музтариб (1858 — 1944), “Беклар беги”да “Қашшоқ Мулла” номи билан танилган Раҳимхўжа Хатмий (1835 — 1908), “Бароққон”да эса машҳур бедилхон Алоуддин Фунуний (1861 — 1932) мударрислик қилишган ва улар атрофида олиму фозиллар, хонандаю машшоқлар, шеърят муҳиблари ҳамisha гавжум бўлишган. 1890 йилда Фурқат, 1899 йилда Муқимий Тошкентга келганларида “Кўкалдош” мадрасасида

Давоми учинчи саҳифада.

Азиз газетхон!

Севимли газетангиз — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га 2014 йил учун обуна бошланди. Обуна туманларнинг матбуот тарқатиш бўлимлари, «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг почта бўлимлари, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади. Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин. Ҳурматли муштарий, агар сиз «ЎзАС»га вақтида обуна бўлсангиз, ижодий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади.

Нашр кўрсаткичимиз — 222.



Бошланиши биринчи саҳифада.

"Кўкалдош"да, — деб ёзган эди профессор Б.Қосимов "Миллий уйғониш" китобида, — 90-йилларда муайян давра қарор толган эди. Фуркат унинг иккинчи қаватидаги кўнгай бет хужралардан бирида тўққиз ойча истикомат қилган. Бу ерда машхур Муқимий ҳам кўп бўлган, 1899 йилнинг ёзида Тошкент сафари пайтида бир мuddат яшаган ҳам...

навийонхлик, фузулийонхлик оқшомларида устоз шoirларнинг бадий маҳорати, теша тегмаган ташбехлари ҳақида тонготарга қадар баҳслашиб, ягона адабий ва илмий ҳақиқатга келишга уринганлар. Яратилган янги дилрабо ғазаллар ҳофизларда катта қизиқиш уйғотган, шу ғазалларга басталанган куй ва ашулалар навбатдаги гурунларда

шoirлари билан уни таништирар эди". Нафақат Хислат, балки Мискин ва Тошқин сингари жадид шoirлари ҳам Камийнинг шогирдлари эди. "Мен, — деб давом этган М.Мухаммаднов, — бу даврасага келганимдан кейин Камий... билан танишиб, бориш-келиш алоқасида бўлдим. Мулла Камий, мадраса тили билан

яти билан бирга истеъдодли ёшларни хорижий мамлакатларга ўқишга бoришидек ўта хайрли ишни бошлаб юборди. 1913 йили эса М.Абдурашидхонов, А.Авлонлов, Б.Асадиллаҳуҷаев, шунингдек, Убайдулла Асадиллаҳуҷаев, Комилбек Норбеков, Муҳаммадҷон Пошшаҳуҷаев, Каттахуҷа Бобоҳуҷаев, Низомиддин Асомиддинҳуҷаев му-

XX аср ўзбек адабиёти

"Ал-Ислоҳ" журналида, "Тараққий", "Хурийд", "Шухрат", "Тужжор", "Осиё", "Садойи Туркистон" газеталарида ўз асарларини чоп этиш имкониغا эга бўладилар. Айни пайтда китоб нашр қилиш ишлари йўлга қўйилиб, турли-туман баёз ва мажмуалар чоп этила бошланди.

Шубҳасиз, мустанлақа шароитида яшаган Туркистонда бу ишларни амалга ошириш осон бўлмади. Мамалат, газета учун қоғоз ва араб харфларини топшидан, уларни бошқа шаҳарлардан олиб келишдан ташқари, вақтли нашрларнинг ҳар бири сони чор оҳангаси — муҳофиза идорасининг назоратидан ўтати ва баъзан арзи-маган бахонаи сабаб билан бу нашрларга катта жарима солинар ёки ёпиб қўйилар эди. Чор цензурасидан ташқари, мутаассиб руҳонийлар ҳам жадид газеталарида босилган материалларни диққат билан кузатишар ва "дид"ларига мос келмаган мақолалар туфайли у ёки бу нашрнинг ёпиш чораларини кўришарди.

А.Авлонийнинг рафиқаси Са-ломат Исмолованинг "Меҳри дарё эдилар" сарлавҳали хоти-расида шу масалага оид қизиқ бир факт келтирилган. У ўз хоти-расида хонадонларидаги самимий муҳит ҳақида сўз юрит-гач, бундай ёзган: "Уйимиз сер-меҳмон бўларди. Домла кувнок ва хикоячи эдилар, жуда кўп шейр

ва хикояларни, "1001 кеча", "Калла ва Димна" кабиларни ёд билардилар. Чолғумиз ҳам бор эди. Уйимизга бошқа шаҳарлардан ҳам одамлар келиб туришарди. 1914 йилимикан, Боқудан 3 киши келди. Шоп мўйлов, тўладан келган бировини Жалил Маммадулизода дейишди. Домла (Авлоний — Н.К.) 2 — 3 йил кейин Боқуга бориб, шулар ёрдамида газета учун харф олиб келган эдилар. Яхши эслайман. Бир кунни уйга жуда паришон ҳолда қайти. Уртоклар йи-гилишди. Ҳаммалари Мунаввар кори-ни гапиришар, домла эса қандайдир маслак ҳақида жон куйдириб тушу-тирарди. Кейин билсам, "Шўрои ислом" ва "Уламо" жамиятлари қайси бир иш хусусида домла муҳаррирлик қилаётган "Турон" газетасини ноҳақ тўхтатишган экан".

Адиб рафиқасининг бу сўзларига изох бермай илож йўқ. "Турон" газе-таси 1913 йилда чика бошлаган ва унинг муассислари орасида, Авлонийдан ташқари, М.Абдурашид-хонов ҳам бўлган. Ижтимоий-маъри-фий дастури билан Авлонийга яқин бўлган Абдурашидхоновнинг (у "Шўрои ислом" жамиятининг раиси бўлган) маз-кур газетанинг ёпилишига сабабчи бўлиши асло мумкин эмас.

10-йилларда "Турон" жамиятининг майдонга келиши Тошкентнинг ма-даний ҳаётида беназир воқеа бўлди. А.Авлоний ва М.Абдурашидхонов раҳбарлигида вуқудга келган бу жа-миат қошида театр труппасининг ту-зилиши, бир томондан, ўзбек адабиётида драма-тургиянинг, иккинчи то-мондан эса, театр санъа-тининг тугилишига сабаб бўлди.

Наим КАРИМОВ, филология фанлари доктори, профессор

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ВА ТОШКЕНТ АДАБИЙ МУҲИТИ



"Ўтган кунлар" филмидан кесак.

завқ-шавқ билан ижро этилган. Шу йилларда шакллана бошлаган Тошкент адабий муҳитида Каримбек Камийнинг ўрни гоаят катта эди. Унинг "Беклар беги" мадрасасидаги фаёзӣб хўжрасида Хислат, Мискин, Сидқий Хондайлийкий сингари шoirлар устоздан сабоқ олиб, бадий ижод пиллапоъларидан секин-аста юксалиб боришган. Мўминҷон Муҳаммадҷонов-(Тошқин)нинг "Турмуш уринишлари" китобида ёзилишича, Хислат XIX асрнинг 90-йилла-рида Каримбек Шарифбек ўгли Ка-миий билан танишган. "Бу одам, — деб ёзган у, — шoir Камий Муқимий ва Фурқат баробаридаги бир шoir эди. Шoir Хислат мавлоно Камийнинг фазлу балоғатини билганидан кейин уни биринчи устоз сифатида уш-лаб олди. Қаерга борса, бирга бор-ди, ширин-ширин ва бамаъни суҳ-батларидан сира ажралгиси келмас ва бир кун суҳбатлардан ажралса, ўзини жонсиз танадек ҳисоблар эди. Гоаятда нозик табииати бу устоз Хи-слатни илхосига яраша тарбия қилар, шейр ва ғазаллар айтиш йўллари-дан баъзи билмаган нуқсонларини ўргатар ва ўша замоннинг адиб ва

айтганда, табииати жуда юкори илхо-ми... дунёдан кеч-ганлигини даъво қилиб юрган бир шoir эди". Хотиранависнинг бу сўнги сўзлари Камийни таркидунё-чиликка ружу қўйган, узлатга чекинган киши эмас, балки кўзига шейриятдан бошқа нарса кўри-маган, яшаш маъно-сини фақат бадий ижоддан, шейриятдан топган шoir, деб тушуниш тўғрироқ бўлади. А.Авлонийнинг "Таржимаи ҳоли"-дан маълум бўлишича, 1904 йилда Тошкентда яширин "жадидлар тўда-си" ўз ишини бошлаган. 1909 йил 12 майда Мунаввар қори Абдура-шидхонов, Мулла Абдулла Авлонов (Авлоний), Баширулла Асадиллаҳу-жаев, Тошхожи Тўёқбоев, Низом қори Хусанов муассислигида "Жа-миияти хайрия" ташкил этилган. Ма-зкур жамият бир йил кейин Бухоро-да тузилган "Тарбияи атфол" жа-ми-

ассислигида "Турон" жамияти, 1914 йили эса М.Абдурашидхонов, А.Авлонлов, М.Пошшаҳуҷаев, Тўлаган Хўжамиёров (Тавалло) ва бошқалар муассислигида "Наҳрийёт" ширкати ишга тушди. Бу маърифий ташки-лотларнинг тузилиши, бундан ав-валроқ эса янги усул мактабларининг очилиши, ўзбек тилида қатор газеталарнинг босила бошлаши Туркистонда бир маромда кечаётган ҳаёт денгизини тўлқинлантириб юборди. Тошкентлик шoir ва ёзувчилар

ларни диққат билан кузатишар ва "дид"ларига мос келмаган мақолалар туфайли у ёки бу нашрнинг ёпиш чораларини кўришарди.

китобларда бундай сакталмақлар тузатилаб, тўлдирилаб бoрилаётир. Бироқ китобдан китобга ўтиб келатган хатолар ҳам борки, оддийгина туюладиган бундай хатолар ор-тидан улкан маънавий янглишишлар келиб чиқши мумкин. Қуйида атоқли туркман шoirи Махтумқулининг эл орасида машхур, кўплаб ҳофизларнинг томонидан қўшиқ қилиб айтилган "Бўлмас" деб номланган шейр таржимасидаги бир хато ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Кўзлари чўлпон бобом

Мустақиллик йилларида адабий меросимизни илмий ўрганиш учун кенг имкониятлар очилди. Шўро даврининг қаттагон йиллари қурбон-ларидан бири, истеъдодли шoir, хатот ва мударрис Турсунали Қала-дарҳожий ўғли Надимий ижоди ҳам, гарчи ҳали тўлиқ ўрганилмаган бўлса-да, алоҳида тадқиқ қилишга арзирли меросдир.

Надимий 1883 йили Фаргона вилоя-тининг Қува туманидаги Мозортаги қи-шлогда зиёли оилада таваллуд топган. Отаси Қаландархожи ўз даврининг илгор фикрли, илму маърифатли кишиси бўлган. Ёшлигида Турсуналига дастлаб хат-саводни ҳам отаси ўргатади, сўнгра у эски усулдаги мактабда таълим олади. 1898 — 1906 йилларда Қўқондаги Мадрасаи гиштин, Бухородаги Мирараб мадрасаларида тахсил кўради. Кейинча-лик Қўқон, Марғилон шаҳарларида илми толибларга хат-савод ўргатади. 1908 — 1914 йиллари Қува шаҳрида мадраса қурилишига бош-қош бўлади. Бу ишда унга отаси ва тоғаси — хат-от ва нозиктаб шoir Аб-дуқодир Маҳдум Нозик ра-хамомлик қилади. Бу мадрасага Наман-ган, Андижон, ўш, Ўзган, Марғилон, Ёзё-вон томонлардан илм истаган ёшлар келиб, тахсил оладилар.

Адабий мерос

Надимийнинг отаси Қаландархожи давлатманд одам бўлиб, катта ер майдо-нига эгалик қиларди. Бу ерлардан олин-ган ҳосилнинг оила эҳтиёжидан ортгани-ни маҳалла қурилишига, талабалар-нинг уст-бош ва озик-овқатларига сарф-ларди. Бу мулк Надимийга мерос бўлиб қолгач, у зироатчи деҳқонларга ҳосилнинг 30 фоизини, талабаларга 30 фоизини ула-шиб, қолганини оиласига сарфлар эди. Унинг бу марҳаматидан, айниқса, илми толиблар гоаят миннатдор бўларди.

Дастлабки шейрларини 11-12 ёш-ларида ёзган Надимий ўзбек мумтоз ада-биёти вақиллари асарларини кўп билан муталаа қилар, Алишер Навоий, Жоий, Бобур, Бедил, Фузулий, Машраб, Хувай-до ғазалларини ёд билар, маърифатли кишилар даврасида уларни ўқиб бeра-ди. 1915-1930 йилларда Қувада ўзига хос адабий муҳит пайдо бўлган. Ҳожажон қози Рोजий, Абдуқодир Маҳдум Нозик, Розий каби шoirлар давраси кенгайиб, турли музофотлардан эл таниган ижод-кор, ёш қаламкашлар бу даврага келиб

сини беланчаққа ётқизиб, ошга уринади. Шу пайт дарвоза тақиллаб қолади. Юра-ги бир нарсани сезган шoir кўзига анов халтани беркит, дегандай ишора қилади. Унинг ичида қоралама шейрлар, араб алифбосидаги қўлёзмалар бор эди. Саод-атхон боласини беланчақдан олиб, ту-гунни тўшақча тағига бекитади ва устига боласини ётқизиб қўяди. Шу дамда уй э-галарининг дарвозаси очилиши ҳам кутмай, уч нафар эркак ҳовлига бостириб кира-ди. Улардан бири миллионер, Надимий-нинг шогирди эди. Кечирасиз, домла, хизматчилик, — деб Надимийнинг қўлидаги ош пичоқни тортиб олиб, гўё уни қуролсизлантирган шогирд шoirнинг қўлларини қайириб боғлайди. Бу орада унинг икки шериги уйни тинтув қилиб, китоблар, шейр ёзил-ган қоғозларни ашёвий далил сифатида йиғиб, фарзандлари, аёлининг доду фарёдларига қулқ солмай, шoirни олиб кетади. Мен бу воқеани бир шейримада куйидагича баён этишга урингандим:

Қозонда пишиб турган ошлар қолди, бобожон, Зору ҳайрон кўзларда ёшлар қолди, бобожон, Оракларда бир оғрик, гашлар қолди, бобожон, О, менин ғазалхошим, сўзлари бийрон бобом. Нокасларнинг қўлида саргардон, нолон бобом.

Беркитиб қўйдиларми қоронгу, зах жойларга, Чиройли қоматингиз бўлганимиз дойларга, Дардингиз айтдингизми тунда юлдуз, ойларга, О, гурури осмоним, кўзлари чўлпон бобом. Айби йўқ гуноҳорим, шoir, суҳандон бобом.

Шoirнинг ҳибсага олингандан кейинги тақдир ҳақида маълумотлар йўқ. Нади-мийнинг рафиқаси Ибодатхон отин уни излаб, қўл саргардон бўлган, лекин ҳеч бир хабар топилмаган. Шoirнинг ўғли Мамаватили Алиев, адабиётшунос Муҳам-маджон Мадрозиевнинг изланишларидан маълум бўлишича, шoir 1937 йил 29 сентябр кунин Андижонда қамоқхона ақинидаги тепаликда ўзига ўхшаган зиё-лилар билан бирга отиб ташланган экан. Надимийнинг шейрлари ва ғазалла-ри узоқ вақт қизи Саодатхон қўлида сақ-ланган. Ҳозир уларнинг асл нусхалари-дан айримлари ва М.Мадрозиев томо-нидан қўйрилган шейрлар бор. Бу мерос илмий ўрганишни тақозо этади.

Зухро АЛИЕВА, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шoirнинг набираси

Очуб ёшларга деҳқон курси бирла агрономи бор, Ўқуб янги усулардин зийда хушёр ўласун.

Тараққийга оламда илмсиз бўлса бебаҳра Илм истар кими кўнгида зарра ихтиёр ўласун.

Бу одам ича хуриям юриван касас этса ҳар қанчанг — Саводи хат ҳисобу ҳандаса билмоқда бор ўласун.

Бутур мактаб, кетур меҳмонбин ёшлар, хат-саводни бул, Яшаб ёшлар билим боғида саф-саф бир қатор ўласун.

Келиб дунёга сен инсонлигини элга изҳор қил, Илм ёким хунарсиз юрмагинг оламда ор ўласун.

Анз жонинг саломат мулки танда боқадур, ёшлар, ўқуб, илму адабхолик дилинга барқарор ўласун.

Деди ўртоқларим, таъби равонинг бўлса, назм этилди, Замон бардонига лойиқ, Надимий, бир шoir ўласун.

Шoirнинг ўғли Мамаватили Алиев архивдан.

Бир машхур ёзувчимиз асарига қаҳрамо-ни тилдан "...бир ракаат намоз ўқиб олай", деб ёзган эди. Ваҳоланки, намознинг энг қисқаси икки ракаат бўлади. Собiq итти-фоқ даври ижодкорлари асарларида бу каби хатоларга билиб-билмай йўл қўйилган ўрин-лар учраб туради. Мумтоз адабиётимиз наомаяндаларининг асарларидаги дин ва шарият билан боғлиқ мисралар атайин тушириб қолдирилган ўринлар ҳам талай-гина. Кейинги йилларда нашр этилган

ЎНГ БИЛАН ЧАПНИНГ ФАРҚИ ЁХУА НОЧОР ТАРЖИМАНИ ЁНГЛАСА БЎЛАДИ (МИ?)

Маълумки, қардош туркман классик шoirининг шейрлари ўзбек тилида илк бор 1958 йили Жуманиё Шарипов таржимаси-да "Танланган асарлар" номи билан чоп этилган. Бу таржималар 1960, 1963, 1976 йиллари қайта нашр қилинган. Мустақиллик-ка эришганимиздан сўнг Мир-зо Кенжабек, Музаффар Аҳмад, Эргаш Очиллов, Абду-мумин Жумаев ва Жуманазар Зул-пиев шoir шейрларининг янги таржимасини амалга оширдилар. Албатта, Жуманиё Шарипов тар-жимасини муқаммал таржима деб бўлмайди. Буни мутахассислар ҳам таъкидлашган. Мисол учун, машхур санъаткор Комильдон Ота-ниёзовнинг ҳам Жуманиё Шариповнинг Махтумқулий шейрлари таржимасидан кўнгли тўлмагани Каримбой Қурамовнинг "Махтум-қули — илҳом чашмаси" китобида келтирилган. Классик адабиёти-мизнинг чин билимдони бўлган ҳофиз "кўп шейрларнинг таржи-малари аслигига ўхшамаслигини" таъкидлаган. Эҳтимол собиқ ит-тифоқ давридаги адабий, сиёсий муҳит ва бошқа сабаблар таъси-ри оқибатида шундай бўлгандир. Бироқ Махтумқулининг кейинги таржимоналари бу борада ҳеч кан-дай тўсиқларга дуч келган бўлиш-лари мумкин эмас. Шундай бўлса-да, бу хато ҳамон тузатилмасдан қолмоқда.

Маълумки, қардош туркман классик шoirининг шейрлари ўзбек тилида илк бор 1958 йили Жуманиё Шарипов таржимаси-да "Танланган асарлар" номи билан чоп этилган. Бу таржималар 1960, 1963, 1976 йиллари қайта нашр қилинган. Мустақиллик-ка эришганимиздан сўнг Мир-зо Кенжабек, Музаффар Аҳмад, Эргаш Очиллов, Абду-мумин Жумаев ва Жуманазар Зул-пиев шoir шейрларининг янги таржимасини амалга оширдилар.

Таржима — юксак санъат

ни таъкидлапти. Бу ерда эъти-бор қаратишимиз керак бўлгани тўртликнинг учинчи ва тўртинчи мисраларидир. Уларни Ж. Шари-пов ҳам, Э. Очиллов ҳам ўзбекчага бир хил ўғирган: "Юз йил яшаб тушсанг ажал қўлига, Чапнидан ўнгида боққанча бўлмас". Бу мисраларнинг асли шундай:

Йуз ыйаийн душсенг ажал элине, Сапнидан солуга бакчанча болмас! ("Ики томлик", 1-том, Ашгабат, Туркменистан, 1983)

Сағ — соғ, ўнг, соғ қўл — ўнг қўл маъносини бeради. Одатда, муулмон халқларда бирон ишни аввал ўнг томондан бошлаш ёки яхши, эзгу ишларни ўнг қўл билан бажариш керак, деб қарала-ди. Энди бевосита ушбу байтга келадиган бўлсак, уни Абдумў-мин Жумаев ва Жуманазар Зул-пиев тўғри таржима қилишган:

Юз йил яшаб, тушсанг ажал қўлига, Ўнгидадан сўлигига боққанча бўлмас! (Махтумқули-Фироий, "Сайёнаме", Т., "Ўзбекистон", 2008)

Кўплаб салафлари сингари Мах-тумқули ҳам шейрларига бошқа шейрий санъатлар қатори таллах санъатидан жуда кўп фойдаланган. Жумладан, биз қўриб қикаётган ми-ролда ҳам таллах санъати ўринли қўлландан. "Адабиётшунослик лугати"да келтирилишича, "Таллах шoirни кўзда тутил-ган фикри батафсил айтиш, ҳолати батафсил тасвирлаш, заруратидан халос этиб, қўзланган самарга ўша фикр ёки ҳаётга мос келадиган бошқа бирор ҳаётий ёки бадий

НАДИМИЙ ҒАЗАЛЛАР

Мулки танга, билмадим, ул меҳрибоним келдим? Юргали дармон ила гўёки жоним келдим? ... 1937 йилнинг август ойи эди. Ёзё-вонлик биродарлари Надимийни қовун сайлига таклиф этадилар. Сайлига Анди-жон, Марҳамат, Новак ва Марғилондан ҳам шoirлар келишади. Қизгин суҳбат-лар ва мушоиралар бўлади. Буюк мута-факир адибларимиз ижодини ўрганиш борасида мулоҳазалар ўртага ташлана-ди. Бир ҳафта давом этган сайл туғач, қовун кафсанлар ва ошга масаллиқлар олиб шoir фарзандлари олдига ошиқа-ди. Катта қизи Саодатхон қўлидаги бола-


Юзга юз тутса Надимий юзлар юз пардаси, Бу илм даргоҳига фикри равоним келдим? Кўзлари бодоми бардек дил мусафоғи қилгуси, Очилди гулгунчасидек сарви раёно қилгуси. Қошларини ёси сайд айлар мудо м даҳр аҳлини, Найзан юлдузлари қўксим тешиб во қилгуси. Дур сочиб дил саҳнига қилгон такалдум чоғида, Булбули опуфтани улғунча шайдо қилгуси. Ул ситамгар ўтқуси гулзор аро қилмай назар, Ким Надимий хокнин бир кун қадамко қилгуси. * * * Ҳўқумат тартибни дунё тузуб юрмоқда бор ўласун, Ҳақиқат излаган дунё ичинда беғубор ўласун. Топар роҳат кимким бўлса бу дунёда меҳнатқас, Қўруб юрмоқда рафтори жаҳонинг бирла ёр ўласун.

ўқиб чиқмасдан, асарни аслигига солиштириб ўқиш керак. Шунда ўнг билан чапнинг фарқи борадиган ҳар бир ижодкор бундай кўпол ҳатоларга йўл қўймайди.

Хусан КАРВОНЛИ

Сирожиiddин САЙИИД, Ўзбекистон халқ шоири

ЭЗГУДИККА ДАРГОҲ БЎЛ



ВАТАНИ СЕВИШ КЕРАК

Бу дийрда, эй дўстлар, тоғу тошга гап йўқ,
Еру осмон, ой, юлдуз, кўшга гап йўқ.
Маккатиллодан келган қалдирғочга гап йўқ,
Ватанини севиш керак. Бошқа гап йўқ.

Сен Ватанини жойлаштири жон ила дилга,
Ким эдигу ким бўлдиқ — назар сол элга.
Асрлар чеккан сабру бардошга гап йўқ,
Ватанини севиш керак. Бошқа гап йўқ.

Кўндир дунёда бизни кўролмаганлар,
Умрида бир дарвоза кўролмаганлар.
Бизга хайрихоҳ дўсту қардошга гап йўқ,
Ватанини севиш керак. Бошқа гап йўқ.

Дунёда гап кўлдир, дунёда хавф кўп,
Оқар суви қизгонган кўшннида гап кўп.
Беминанат, бедаоват дилдошга гап йўқ,
Ватанини севиш керак. Бошқа гап йўқ.

Офтоб ўзи ризқ сочар далаларини,
Мактаблар қур, уйлар қур болаларини.

Дастурхонда кўшдай нону ошга гап йўқ,
Ватанини севиш керак. Бошқа гап йўқ.

Ватан қароғ бўлса гар — киприк бўлгил сен,
Элдошларга бир йўл ё кўприк бўлгил сен.
Қалби уйғоқ ҳар кекса, ҳар ёшга гап йўқ,
Ватанини севиш керак. Бошқа гап йўқ.

Осмондан тушмас ўзи файзу фароғат,
Ватан қурмоқ — матонат. Ватан — садоқат.
Эл-юртга фидо ҳар жон, ҳар бошга гап йўқ,
Ватанини севиш керак. Бошқа гап йўқ!

ОСТАНА ҲАҚИДА КЎШИҚ

Саҳар туриб шукр қил,
Шабнамларга гаширгил.
Ўз кўнглини супургил,
Ўз уйини супургил.
Останангни кўргилу
Ўз онангни фикр қил.
Кўрғонларинг, уйларинг
Меҳнату заҳматингил.
Останангга ҳурматинг,
Онангга ҳурматингил.

Деворингга бир ғишт кўй,
Дарахларни оқлаб кўй.
Бориб мазор бошига
Отангни ҳам йўқлаб кўй.
Бу дунёнинг кўрки гар
Боғу гулзоридандир.
У дунёга остананг
Отанг мазоридандир.
Останангга ҳурматинг,
Отангга ҳурматингил.

Тутинган уй деганда
Нечун кўзлар қизлар?
Ватан меҳри, юрт меҳри
Останангдан бошланар.
Бу дунёда ортингдан
Қолар ёруғ изингил.
Останангга қутган шу

Азиз ўғил-қизингилр.
Останангга ҳурматинг,
Болангга ҳурматингилр.

Ватанлар бор — қуш учмас,
Тинчлик осмондан тушмас.
Саҳар туриб фикр қил,
Тинч элинга шукр қил.
Эзгудикка даргоҳ бўл,
Огоҳ бўлу огоҳ бўл.
Ойлар ўтар, йил ўтар,
Останангдан эл ўтар.
Останангга ҳурматинг,
Одамга ҳурматингилр.

Ўз бурчингни фикр қил,
Инсонсан-ку — шукр қил.
Ватан — бўйинингдаги қарз,
Кўчанга бир гул ўтқаз.
Токи файзу тароват
Ҳар уй, бинода бўлсин.
Ватан озода бўлсин!
Ватан озода бўлсин!
Останангга ҳурматинг,
Ватанга ҳурматингилр.

РИЗҚ

Бизда Яратганининг меҳру ишқи бор,
Шукр айт баҳору ёзу қишки — бор.
Ризқи йўқ демагил, ҳар ким инсондир,
Ризқи йўқнинг ризқи борда ризқи бор.

Қаро сочингга ҳам қирос тушадил,
Кеча боғингга куз хазон тўшадил.
Ғуранг ҳалво бўлар, меванг пишадил —
Ризқи йўқнинг ризқи борда ризқи бор.

Дунё икки рангда: оқ ва қорадир,
Ким бутун, кимнингдир бағри ёрадир.
Ой ҳам ярим нонга ўхшаб борадир,
Ризқи йўқнинг ризқи борда ризқи бор.

Кўлинг очиқ келса — қолмагай гаминг,
Мўлинг бисёр бўлгай, мўл бўлгай каминг.

БОЕ

Хайру савобларда кечсин ҳар дамнинг,
Ризқи йўқнинг ризқи борда ризқи бор.

Бағринг тошиб турсин бир уммондайин,
Кўнглинг очиқ бўлсин дастурхондайин,
Одам одам учун таи ва жондайин —
Ризқи йўқнинг ризқи борда ризқи бор.

Бир элга келтириб шараф ҳам шонлар,
Юртга таянч бўлур ботир султонлар.
Бобонг армон қилган давру давронлар,
Ризқи йўқнинг ризқи борда ризқи бор.

Умрингдан бир ҳосил бўлгани яхши,
Уйларинг бугдояга тўлгани яхши.
Ҳар кимдан яхши ном қолгани яхши,
Ризқи йўқнинг ризқи борда ризқи бор.

ДИЛ

Худо менга берган олам
Ер, осмони билан келган.

Худо менга берган далам
Бугдой, нони билан келган.

Худо менга берган болам
Ниғоҳони билан келган.

Худо менга берган алам
Ғиёҳ, дони билан келган.

Худо менга берган қалам
Сиеҳдони билан келган.

ГУЛҒАЗАЛ

Опоқ томоқлар, бодом қабоқлар,
Бодом қабоқлар, оппоқ томоқлар.

Киприкларни гар жон олса ногоҳ,
Кўнмай қароқлар, кўнмай қароқлар.

Гул қаллари ё гул хатларидир,
Гулми ёноклар ё гул ёноклар?

Гул лабарим гул барглари ё,
Гул баргларим гулгул дудоқлар?

Кўйса қаламлар — гул босганидай,
Гул босганидай нозик оёқлар.

Бармоқлар — гул, тирноқлари — гул,
Опоқ томоқлар, бодом қабоқлар.

Соч толасидин ип айланилар,
Бодом қабоқлар, оппоқ томоқлар.

Чоки дилимга тиксинлар энди
Гулдин ямоқлар, гулдин ямоқлар.

БИР КИЧИК ЁШЛИГ НИГОР

Мир Алишер Навоий ғазалига мухаммас

Гул десам гулдин ғўзал, гултўшу гулдузликкина,
Ул кийиклур ё магар, ёки кийик кўздуккина,
Сўз деюрда озги кўрунас, вале сўздуккина,
Бир кичик ёшлиг нигоре томинам нозуккина,
Секретурда тавсанин майдон аро чобуккина.

Парда ичра ногоҳон кўрсатди ул кўзгинасин,
Бир қарашда ўртади кўнглимни бор музгинасин,
Безаминдир икки хол бўйни билан юзгинасин,
Ғаҳ вафо, ғаҳ нозу ғаҳ афсуи била ўзгинасин,
Кўргузуб ҳар лаҳза дилбарлигда бир турдуккина.

Гоҳи боқсанг шўху шадлол, гоҳи эса сокингина,
Гоҳи сув янглиг жимирлар, гоҳида ёлқингина,
Икки қошин дўст десам, ул иккисин сотқингина,
Жаҳд ила таҳдиди бедилларга бори чингина,
Меҳр ила ҳар ваъдаким қилди бори ўтруккина.

Ўйласам оии нечундир қалтирар имонгинам,
Жонгинам дейинму ёки айтгани жононгинам?
Бўлди рўзгорим қарою кўйдил хонумонгинам,
Осру ёлгон ваъдасидин кўйиминг эрди жонгинам,
Онглидон бир кеча тушти илгима усруккина.

Ўйладим ул сочи кундузгинасидин ўпкамен,
Сочи бирлан холининг ўзгинасидин ўпкамен,
Қошино киприкларни, кўзгинасидин ўпкамен,
Истадим бўйини кучиб, юзгинасидин ўпкамен,
Иштироб айлаб талашти, бор эмниш кучдуккина.

Айтдим: эй гулдорларинг икка гулдорни, ўпай,
Ўтгай икки-уч кун ичра гулди бозори, ўпай,
Бошимга тушмай фалакнинг бори озори, ўпай,
Юз ўпарга қўймади, илгин дедим бори ўпай,
Ташлабон юмруқкина, қилди кўзумни кўккина.

Ул гапимга кирмайин, азм эттино кетди йироқ,
Гул менинг кўнглимга тушиниш андин бир ямоқ.
Эй даҳр, бори матойингдан менга қолмиш фироқ,
Ҳар не дедим бор эди ёлғонгина боштин аёқ,
Эй Навоий, мунча ёлгон дегуча бўл шуккина.

ТЎРТЛИКЛАР

Булбул яшай олмас чамансиз, она,
Инсон хор бўлгайдир Ватансиз, она.
Ватан барчамизга буюк онадир,
Сиз буюк Ватансиз, Ватансиз, она.

Истиқлол нимадир ҳазрати Чўлпон?
Мустақкам бўлсин деб шу қасру кўрғон —
Сиз ҳам емирилсин бир ғишт бўлгансиз,
Сиз ҳам жисму жонни берминсиз ўлпон.

Мен "Гулистон" журналига янги ишга келганман. Тутташ кирди-чиқди икки хонанинг оёқ ости жойидан битта стол теккан, шу ерда ўтириб ишлайман. Чекимга шеър қараш тушган, ҳар куни даста-даста "шеърлар"га жавоб ёзаман, шоир бўламан деганлар билан тортишиб, баобру журналимиз шаънини химоя қиламан. Столим олдида дермантин қопламаси тошдай қаттиқ бир эски курси — камина адабиётга даъвогарларни шу курсига ўтиргизиб қабул қилади. Ўзимнинг курсим ҳам авло эмас-у, лекин буниси шундай баобру журналининг салобатига сира тўғри келмас, ўтирган одамнинг бору йўқ обрўсини ҳам ерга тўкар эди.

Бир кун Миртемир домла ўз оёғи билан кириб келиб, шу курсига лоп этиб ўтириб олса! Ҳа, ўзи кириб келди, менга бир бош ирғаб, шу курсига ўтириб олди. Асқад Мухторнинг мухташам кабинети, Ваҳоб Рўзиматовнинг хайхотдек хонасига кирмай, тўғри меннинг олдимга келибди. Ўрнимдан салпич турдим у қайтиб ўтиришни билмай каловланиб қолавердим. Ҳа, айтганча, Миртемир ўша даврнинг гумбур-гумбур "буюклар"и сирасига кирмас, ўзим ўқийдиган дунё адабиёти баландликларидан қараганда ҳам қандайдир тинч, дардини ичига ютган, тигдек ўткир нур таратиб турадиган бир чўкки, шахс сифатида улуг камтар эди. Унинг юксаклиги ўзи билан эди. Мана, шундай шоир: "Аҳмаджон сизми, шеърятга сиз қарар экансиз, ҳукмингизга бир нечта шеър олиб келган эдим", деб турибди! Ҳукмингиз! Миртемирнинг шеърларини кўзга суртиб, ўқимай ҳам тушириб юборамиз, илоҳи бўлганда йўталганини ҳам босиб чиқарсак! Шу маънода бир нима деб гулдирардим. "Йўқ, Аҳмаджон, мен сизга ўқиб бераман. Маъкул топсангиз, олсангиз", деди домла.

Миртемир шеър ўқишга тушди. Ўша кўски курсида, одам ўтиб-қайтадиган йўлақда. Унинг сал хаста, лекин тиник овози бор экан, овозки, сайқал топган дард.

Тасодифни қарангки, журнал тушиб кетгандан кейин нафас ростлаш ҳафтасими, шу кун шу икки хонада иккаламиздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Барибир ҳозир бирор кириб халал бериб қолмаса деб қизганиб ўтирдим. Шоирнинг дийдорини бошқа одам билан баҳам кўргин келмасди.

Очғи, шоир шеърларини ўқиганда қандайлигини ичимда баҳолашга ҳам ҳаддим сизмай ўтирдим. Ўқиб бўлиб секин сўради: "Қалай? Нима дейсиз?" "Э-э, нима ҳам дейман, домла! Жуда ҳам зўр!" дедим шоша-пиша. Қўлимни чўздим: "Беринг, ҳаммасини босамиз", дедим.

"Йўқ, бўтам, — деди Миртемир, мени "бўтам" деганига шоирнинг яқин одами бўлиб қолгандек мамнун эдим. — Кўчириб келай, кейин олмасиз". "Йўқ, йўқ. Овора бўлманг. Машиностамиз кўчириб беради", дедим. Миртемир қўлидаги даста қозоннинг юзини кўрсатди: "Буларни машинистангиз кўчира олмайди-да. Фикрингизни билиш

учун олиб келган эдим. Бўлди, ўзим тайёр қилиб келаман", деди. Миртемир шеърларини бижири-бижири араб имлосида ёзар экан. Университетда бир йил форс, бир йил урду тилидан дарс олган бўлсан-да, домлангнинг дастхатига тишини ўтмаслиги аниқ эди.

Виждоним қўналгани ана шу ердан бошланди: домла шеърларни ҳозирги имлога ўтказиб, ўзи олиб келиб бермоқчи бўлди, мен: "Сиз овора бўлманг, ўзим бориб олиб келаман", деб туриб олдим, домлани кўндирмагунча қўймадим. Охири келишдик, шанба кун эрталаб домла мени уйда кутади-ган бўлди.

Шу шанба кун эрталаб ёмғир ёғди. Каминанинг шамсияси йўқ, кейин шоир билан учрашувдан ҳаяжонлари босилган, устига устак, бир шоир жўрамыз йўқлаб келиб

Аҳмад АЪЗАМ

МАЖНУНТОЛ ТАГИДА...

қолди, икковлашиб учинчи шоир жўрамыз-ни сўроқлаб бордик, суҳбатимизга "суюқ ёнилги" қўйилди, калла қизиди-да, Миртемирникига айна шу бугун бормаса ҳам бўладигандек туюлиб қолди. Астойдил йиғласа сўқур кўздан ҳам ёш чиқадидеганларидек, йўқсилларнинг чўнтагидан баракали суҳбатга етарли пул чиқиб туриб, кундузни тонгга, тонгнинг эртаси кунга улаб юбордик. Камбағал бўлсак ҳам кўнглимиз бой дамлар эди-да.

Душанба кун ишга келсам, ўша яғир курсида Миртемир домла мени кўтиб ўтирибди!

"Хайрият! — деди домла саломимга алик олиб. — Жуда хавотирда келдим. Шанба кутдим, кеча йўлингизга кўзим тўрт бўлди. Борай десам, на турар манзилингизни биламан, на телефонингизни. Журнал бу кунлари ишламаса. Ёш йигит нарса, мусофир, ёлғиз турса керак, ёмғирда кўчага чиқиб, қаттиқ шамоллаб ётиб қолган бўлса-я, бирон қаровчиса йўқ деган хаёлларга бордим. Қалай, бўтам, тузукмисиз? Мана, ўзингизни кўриб кўнглимнинг ҳовури босилди".

Қай ахволга тушганимни тасаввур қилаверинг: Миртемирдек инсонни икки кун мустар қилибман! Жуда уялдим. Минг ёмғирга қарамай борсам бўлар эди-ку. Хай, жўралар ҳар кунги жўра-да. Кейин, домланинг қўли ишга бормай, шеърларни кўчирмабди ҳам. Бугун эса фақат мени кўриб, кўнглини хойига тушириш учун келибди!

Э-э тавба, одам ҳам шунақа одамоҳун бўладики! Мен Миртемирнинг шоғирдлари сирасига кирмас эдим, у кишини бир-икки уюшма мажлисида узокдан кўрган эдим,

холос. Энди эса уйига бориб, бир пиёла чай ичиб келмасам шеърлар ҳам бўлмас экан!

Бир кунни келишдик, бу гал ваъдани бузмай бордим. Миртемир оппоқ, жуда ҳам оппоқ дастурхон ёздириб кутиб ўтирган экан. Эсимда қолгани: домлангнинг олдида майда чорбурчак кесилган оқ қокон. Менинг олдимда патир. Қолгани эсимда йўқ, Овқат келганда ҳам домлага тиниқ миллилақ шўрва, менга серғўшт ковурудок, "Доим парҳездаман, менга қараманг", деб изох берди. Кейин сўради: "Бўтам, озгина нўш этасизми?" Бир зум анграйиб турдим. Бош-



десин! Хулласи, Миртемир четга сурйилиб, бошқа бир шоири калоннинг достони ўша мукофотга қўйилган, кейин барибир ололмаган.

Бу гаплар, энди, четчопда туриб эшитиб қолганларимиз. Бунақа мукофотлар биз ёшларга тушимизда ҳам тегмаслигини билганимиз учун ўнгимизда ҳам қизиқмас эдик. Кейинроқ умумга теккан обрўмандлик касали бизга ҳам тегмай қолмади, лекин энди навбатимиз келганда бу иттифоқ дегани орден-медал, мукофоти унвонлари билан

лаб, фақат ўлан эшитгани Иқонига кетиб қолганмикин? Узи ҳам айтади-ку.

Ўза ҳам экканман, жуварни, кунжут, Қўлимда рақс этур тешаю райда, Йўл ҳам, қўналга ҳам мўл бу Ватанда, Камчил ҳам бўлганман, тўк, қувноқ ва бут...

Чўккам тиксини, мол ҳам боқини, Кудук ҳам қазганман нақ ўн бир қулоч, Зилол сувлариди ювишарди соч, Не-не қиз сочига лола таққанман.

Тақдиримга ҳеч ҳам ўпка қилмайман, Қўлимдан келмайди деган пеша кам. Бўлган кўзларимда томчи-томчи нам. Ҳануз шеър ёзишни билмайман...

Бу шеър замирида ҳамма ғамни ҳам валломатлик қилиб кўтариб кетган одамнинг ҳаётдан гинаси бор, гўё меҳнат қувончи, гўё кишлоқнинг оҳорли манзаралари, лекин туби аччиқ, Чувак тикиши, мол боқиши, айниқса, не-не қизларнинг сочига лола тақиши ва... "Баъзан кўзларимда томчи-томчи нам, Ҳануз шеър ёзишни билмайман", деган эйтироф Миртемирнинг таржимаи ҳолида айтилмай-диган манзилларига ишора беради, широнна томчи-томчи кўзёш ташбехлари тағидан ҳасрат сингиб туради. Миртемир бу ишларни қилмаган, балки тубсиз қудук тағида осмон ёруғлигига қараб орзулаган. Қатагон қилиниб, шу кичкина-ичкам жуссаси билан Москва — Волга каналини қазिशга этап қилинган кезлари соғинган кишлоқ, чувак ҳам тикиш, мол ҳам боқиш, ўн бир қулоч қудук қазиб ўша аристоннинг орзулари бўлган, айниқса, қизларнинг зилол сувларда ювилган сочига лолалар тақиши зиндонбанднинг кўнглидаги эркинлик орзулари, юраги қонаб турган одамнинг зўрдан жилмайиши. Унинг шеърлари нечоғли шўх-шодон, қочиримларга бой, чиройли пардали бўлмасин, барибир дарддан, очиқ айтиб бўлмайдиган дардлардан яратилган эди. Қатагонда отилганлар отилиб, ўлганлар ўлиб кетди, лекин тирик қайтганларнинг озги муволаган, дардини фақат ўзига айтар эди. Овронини чиқармай. Миртемир юрак ютиб айтган бу содда сатрлар бекорга юракларни зирқиратмайди:

Мажнунтол тағига ўтқазинг мени, Бошқалар йиғласин, мен йиғлаб бўлдим. Ўзимнинг пушаймонларим бор: шу бирикки учрашувда яқин бўлгандек бўлдик, Миртемир юрагини очиб гапирди. Хозирлари ўзимдан хафа бўлиб кетаман: домлани гапга солиб, бошидан нималар ўтганини бир-бир ёзиб олмаймани! Шу тўртликни ўқиб билан катта кўнгли кунёи очилай деган эди-ку! Мен нодон дунё адабиётга шай-доман деб ёнимдан ўтиб кетаётган озурада дунёни кўрмаганман. Бу дунё икки йилдан кейин қайтиш бўлди, ўзи билан қатагоннинг айтиш таъқиқ ҳасратларини олиб кетди, бизга фақат ишоралари қолди.

Эссе

"Домла, буни ҳам кўчириб қўйдингизми?" деб сўрадим. "Йўқ, бўтам. Буни бермайман. Тинч ўтирайлик. Ҳали булар от устида", деб шоир синиқ жилмайди.

Шу, узр, учинчи сатрни мен шундай эслайман, сал бошқачароқдек эди шекилли, лекин тўртликнинг тағмаъноси битта — адолатсизлик эди. Сиртки маъноси уюшмадаги бир фирромликка ишора: домла кўп қатори ленинана пойгасига қўшилиб, "Ленин ҳақида дoston" деган бакувват асар яратган. Асарнинг шов-шуви ҳам салобатли эди. Шу дoston ўзбек адабиётидан ленинанага муносиб хисса сифатида Ленин мукофотига қўйилган ё кўйилмоқчи бўлган, ишқилиб, шу гап чиққан. Уюшма устунлари — ўзбек адабиётининг ўша вақтдаги оталари қараса, шундай юксак мукофот олдин ижтимоий хавфли ёт унсур, ҳозир ҳам минбарларда шиддатли йўқ озгин бир бобойга кетиб қоляпти. Бу ёқда шўрога хизмат қилиб қўйган, унинг мўътабар курсиларида ўтириб шеърятни ўтиргизиб-турғизаётганлар бор! Миртемирга Ҳамза мукофоти ҳам бўлаверди, бу ҳам катта ҳиммат, жон

Кино санъатида унинг иштирокисиз филм суратга олинишни умуман тасаввур этиб бўлмайдиган, кўп ҳам тилга олинавериладиган, асар тақдиротида ҳам бир чеккада камсуқум бўлиб турадиган бир ижодкор бор. Бу — оператор!

Тасвирга жон ва рух бахш этишда, умрбоқий кино асарларининг дунёга келишида операторнинг меҳнати алоҳида аҳамиятга эга. Бугун ўзбек кино санъатида ижод қилаётган бир қатор маҳоратли ёш операторлар орасида истеъдодли ижодкор Азизбек Арзикуловнинг ўзига хос ўрни бор. Бу тасвир устаси томошабинларга «Ўтов», «Адвокатлар», «Учар қиз», «Карздор», «Кечиккан ҳаёт», «Кўрғошин», «Паризод», «Турист» каби филмлардаги операторлик ишлари билан яхши таниш.

А.Арзикулов ижоди ҳақида гап борар экан, биринчи гада, унинг ёзувчи Эркин Аъзамнинг «Фаришта» номли киноқиссаси асосида режиссёр Аюб Шаҳобиддинов суратга олган «Паризод» филмидаги операторлик ишини тилга олиш жоиз. Филмни суратга олиш жараёнида умумлаштирувчи ижодкор сифатида операторнинг масъулиятини яхши тушунган ижодкор сценарий моҳиятини, режиссёр мақсади ва расом фикрини, яъни, ҳар бир кадрнинг шакли ва мазмунан уйғунлигини англаган ҳолда, уларни ўз тасавури билан бойитиб, пардозлаб, бадиий тугал кадрлар композициясини яратиб муваффақ бўлган. «Паризод»нинг ҳар бир кадри мазмундорлик, ҳаётийлик, бадиийлик, монтаж ритми мутаносиблиги ва ранг-баранглик асосига қурилган. Умуман, режиссёр А.Шаҳобиддинов ва оператор А.Арзикулов ҳамкорлиги натижасида дунёга келган бошқа филмларда ҳам бу ижодкорлар бир-бирларининг фикрини тўғри тушуниб, тўлдириб ишлаганлари кўриниб туради. «Паризод» филми бунинг ёрқин мисолидир. Эркин Аъзам асаридagi фалсафани экран тилига кўчириш кино-ижодкорлардан жуда катта масъулиятни талаб этади. Бунга ҳис этган оператор ўз суқунати ичра яшайдиган Пари кизининг ҳис-туйғуларини, кечинмаларини ноизиқлик билан илғаб, экранга кўчиришга ҳаракат қилган.

Воқеалар бошданок оператор филм қаҳрамонининг ўй-кечинмалари билан табиат ўртасида боғлиқлик топишга интилади, маҳобатли тоғлар фониди Паризода кизни кўрсатади. Қаҳрамон учун танланган бу объект филм мазмуни ва гоёсини аниқ ифода қилади. Яъни, Паризода тоғлар орасидан чиққан ёруғлик, умид, софлик тисоли ва табиатнинг гўзал хилқати эди.

Унинг айнан харсангтош устида пайдо бўлиши эса қалби тош янглиғ бўлиб кетган одамлардан бир қадар баландда эканига ишора. Қизнинг турли одамлар билан муносабатида кечадиган жараёнлар

тасвирида унинг ҳис-туйғулари, кайфияти, тугёнлари ҳар хил табиий эффеқтлар, ранг-баранг ракурслар, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатига мос таъсири ва рамзий ифода воситаларида берилди. Масалан, «тахтиравон» ўрнатил-

«Паризод» филмидан лавҳа.



ган мотоциклда оппоқ рўмолига чирманиб олган Пари ва Жонибек тоғ йўли бўйлаб кетиб борадиган кадрда актрисанинг юзи кўринмайди. Томошабин кадрда оппоқ рўмоли шамолда хилпиратган кизни кўради. Яъни, унинг титраётган юраги кино тилига рўмол деталлари орқали ноизиқлик билан ўтилган.

Расом чизгисиди Абдурашиднинг уч фарзанди ҳақидаги илк кадр бир вақтинчи кино-ижодкорлардан жуда катта масъулиятни талаб этади. Бунга ҳис этган оператор ўз суқунати ичра яшайдиган Пари кизининг ҳис-туйғуларини, кечинмаларини ноизиқлик билан илғаб, экранга кўчиришга ҳаракат қилган.

ҳолати, бошқа бир ёқда эса Паризоднинг унсиз йиғиси айқаш-уйқаш бўлиб кетади. Оператор ана шу кўп планли лавҳаларни бир бутун яхлитликда суратга олишга муваффақ бўлган. Машинанинг йўлини кўрсатиб турувчи кичик кўзгусидан болаларнинг машинага қараб талпинаётгани тасвирга олинган бўлиб, бундан томошабин ҳам Паризоднинг, ҳам болаларнинг ҳолатини узийликда кўриб, ҳис қилиш имконига эга бўлади.

Филмда, айниқса, қизнинг Исмаат бойваччанинг уйдаги орқали узийликда ҳал этиш керак эди. Шунда қиз Жонибекнинг қалбига бир умрга армонли муҳаббат бўлиб муҳрлангани равшанроқ англанди.

«Кечиккан ҳаёт» картинасида ҳам Эркин, Шаҳодат, Ҳамлет исмли персонажларнинг ҳаёт йўли, ички кечинмаларига монанд бир қатор рамзий тасвирларни кузатиш мумкин.

Армонлари туфайли кўз ёшлари юрагига оққан Шаҳодатнинг нозик ўйлари ёмғир томчилари орқали англанди. Шаҳодат ҳақидаги илк кадр ҳам айнан ёмғир билан бошланади. Қаҳрамон кўзларини дераза юзасига томчилаётган ёмғир томчиларига қадаган кўйи ўтган ҳаётини эслаб, ўйга чўмган. Персонаж томошабинга гавдасининг ён томони билан кўриниб беради, асосий эътибор деразага қаратилади. Сўнг қиз бармоқларини дераза юзасида йўл шаклида аста юргизади. Бу унинг босиб ўтган паст-баланд ҳаёт йўлидир. Қаҳрамон характерини очишда мана шу оддийгина шакл томошабинга қисқа фурсат ичда кўп нарсани аён қилади.

Филмдаги Ҳамлетнинг йўқолган пичоғи воқеа марказидаги тугун ясоғчи детал бўлиб, ана шу детал қатнашган биргина тасвир орқали қаҳрамонларнинг кейинги кечмиши қандай бўлиши билан олиш мумкин. Аслида қаҳрамонларнинг ҳаётини фожа ясаши мумкин бўлган бу буюм охир-оқибат яхшилик учун хизмат қилади. Асар сўнгида уша пичоқда кесилган олмаларнинг кўрсатилиши филмга хайрли яқун ясаган. Мазкур тасвирнинг таъсир кучи анча-мунча диалоглардан устунроқ.

«Ўтов» филми бадиий яхлит, колоритга бой, миллий руҳга эга асар бўлиб, маҳобатли ранг-тасвир санъатининг жонланган мажмуасини ёдга солади. Кадрларда бош қаҳрамон билан боғлиқ саҳналар кўпроқ шиддатли динамикада

эътиборимиз харсангтош устига чўкка тушган Жонибекка йўналади. Ушбу лавҳа панорама усулида ҳам суратга олинган бўлиб, бу кадр улғуворлигини таъминлаган. Сўнг кадр темпоритми кутилмаганда аста ўзгариб, экранда яна Паризод кўриниб беради. Лекин мана шу икки тасвир ўртасида ўзилиш, алоҳидалик сезилади. Аслида мазкур эпизодни Жонибек тасвиридан қиз тасвирга ўтишда камерани узоқ-

лаштириш (умумий план) ва яқинлаштириш (ўрта план) орқали узийликда ҳал этиш керак эди. Шунда қиз Жонибекнинг қалбига бир умрга армонли муҳаббат бўлиб муҳрлангани равшанроқ англанди.

«Кечиккан ҳаёт» картинасида ҳам Эркин, Шаҳодат, Ҳамлет исмли персонажларнинг ҳаёт йўли, ички кечинмаларига монанд бир қатор рамзий тасвирларни кузатиш мумкин.

Армонлари туфайли кўз ёшлари юрагига оққан Шаҳодатнинг нозик ўйлари ёмғир томчилари орқали англанди. Шаҳодат ҳақидаги илк кадр ҳам айнан ёмғир билан бошланади. Қаҳрамон кўзларини дераза юзасига томчилаётган ёмғир томчиларига қадаган кўйи ўтган ҳаётини эслаб, ўйга чўмган. Персонаж томошабинга гавдасининг ён томони билан кўриниб беради, асосий эътибор деразага қаратилади. Сўнг қиз бармоқларини дераза юзасида йўл шаклида аста юргизади. Бу унинг босиб ўтган паст-баланд ҳаёт йўлидир. Қаҳрамон характерини очишда мана шу оддийгина шакл томошабинга қисқа фурсат ичда кўп нарсани аён қилади.

Филмдаги Ҳамлетнинг йўқолган пичоғи воқеа марказидаги тугун ясоғчи детал бўлиб, ана шу детал қатнашган биргина тасвир орқали қаҳрамонларнинг кейинги кечмиши қандай бўлиши билан олиш мумкин. Аслида қаҳрамонларнинг ҳаётини фожа ясаши мумкин бўлган бу буюм охир-оқибат яхшилик учун хизмат қилади. Асар сўнгида уша пичоқда кесилган олмаларнинг кўрсатилиши филмга хайрли яқун ясаган. Мазкур тасвирнинг таъсир кучи анча-мунча диалоглардан устунроқ.

«Ўтов» филми бадиий яхлит, колоритга бой, миллий руҳга эга асар бўлиб, маҳобатли ранг-тасвир санъатининг жонланган мажмуасини ёдга солади. Кадрларда бош қаҳрамон билан боғлиқ саҳналар кўпроқ шиддатли динамикада

берилади. Масалан, от эгарини тутган Убайдулло қишлоқдош қизга рўбарў келадиган саҳнани олайлик. Бу кадрда оператор оти орқали ерда айлана чизган Убайдулло ва

Таққин ва таҳлил

унга тикилиб турган қиз ҳолатини тасвирлар экан, икки нуқтани доирали параллел ҳаракат билан бирлаштиради. Яъни, қизнинг юзидида ифода орқали отда ўтирган кишининг муносабатини таъсирли англаш мумкин. Ўтов ичидидаги саҳналарда оператор чироқ нурларидан фойдаланиб, қаҳрамонлар характерини турли ракурсларда беришга ҳаракат қилади.

«Кўрғошин» филми йирик кадрлар бисёрлиги билан ажралиб туради. Мазкур картина оператордан чироқ билан ишлашни кўпроқ талаб этганига гувоҳ бўлаемиз. Айниқса, филм сўнгидаги кадр кутилмаганда берилгани жуда таъсирли чиққан. Асар қаҳрамонларидан чироқ билан тик турган кўйи секин-аста гавдасини ёнга буради. Унинг руҳи бугун бизга боқиб тургандек, гўё, унга қарама-қарши замондоши — жияни тасвири кўйилган. «Карздор» филмида эса сирлилик, ички зиддият оператор топилмалари орқали янада жонланган. Илк кадр фикримиз исботи бўла олади. Телефон чамбарагида асабий ва умидвор айланаётган қўл бармоқлари, сўнг гўшақаратилади. Сўнг қиз бармоқларини дераза юзасида йўл шаклида аста юргизади. Бу унинг босиб ўтган паст-баланд ҳаёт йўлидир. Қаҳрамон характерини очишда мана шу оддийгина шакл томошабинга қисқа фурсат ичда кўп нарсани аён қилади.

Умуман олганда, вазминлик, фикр, ёқимли суқунат, тоза муҳаббат, сирлилик каби ҳусуниятларни акс эттирувчи оригинал ифода воситалари Азизбек Арзикулов ижоди-нинг ўзига хослигини белгилайди. Режиссёрларни ижодий йўналишига қараб фарқлай олиш малакаси А.Арзикуловда яхшигина шаклланган. У ҳар бир картинани суратга олиш жараёнида ўзига ва атрафдоғида ижодкорларга ниҳоятда талабчанлик билан муносабатда бўлади.

Бугунги ўзбек киносида ижодкор шахс сифатида операторларнинг роли ўсиб бораётгани Азизбек Арзикулов каби ёшларни тинимсиз изланишларга ундамоқда. Зеро, техник имкониятлар билан ижодий имкониятларнинг уйғунлашуви бадиий пухта санъат асарлари туғилишининг гаровидир.

Лобар КОБИЛОВА

«ПОЙГА»

Алишер Навоий номидаги кино саройида режиссёр Абдувоҳид Фаниевнинг «Пойга» филми тақдимоти бўлиб ўтди. Шоира Гиёсова сценарийси асосида суратга олинган ушбу филм романтик драма жанрида бўлиб, унда Зокир пойгачи ҳаётида рўй берадиган воқеалар ҳикоя қилинади.

Тақдимот



Лобар БАХТИЁР қизи

Дўстлик концерти

Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги дўстлик алоқалари бугун маданият соҳасида ҳам кенг раванак топаёттир. Бу борада юртимиздаги Озарбойжон маданият маркази фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Озарбойжон мустақиллигининг йигирма икки йиллиги марказида концерт дастури ташкил этилди.

Ўзбекистон маданият марказининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Яқинда маданият марказида озар ёзувчиси Юнус Ҳусейннинг «Амир Темур» тарихий романи тақдими бўлиб ўтди. Шунингдек, Ўзбекистон мустақиллигининг йигирма икки йиллиги марказида таниқли хонанда Элнора Абдуллаева ва «Ширвон» гуруҳи томонидан концерт дастури тақдим этилди.

Маданият ходимлари, ёзувчи ва олимлар иштирок этган тадбирда юртимизнинг таниқли хонандалари ҳамда «Озарбойжон қизлари» рақс дастаси ўз санъатини намойиш этди.

Зиёда ОРТИКОВА

«РАНГЛАР ЮРТИГА ЙЎЛ»

Яқинда таниқли ёзувчи ва санъатшунос Нодир Норматовнинг «Ранглар юртига йўл» номли китоби чоп этилди. «Noshir» нашриётида чоп этилган ушбу китобда, Ўзбекистон халқ рассоми, таниқли мўйқалам

Доимий ҳамроҳ

устаси Рустам Худойбергановнинг ҳаёт ва ижод йўли, маҳорат ва тасвирий санъат сирлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Р.Худойберганов кўп йиллардан буён тасвирий санъатнинг манзара, портрет, картина, маҳобатли рангтасвир жанрларида самарали ижод қилиш билан бирга, педагог устоз сифатида шоғирдлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. У санъат ўқув юртига мўлжалланган «Рангшунослик асослари», «Тасвирий санъатда ранг», «Витраж», «Чизма тасвир» каби қатор дарслик ва қўлланмалар муаллифидир.

Н.Норматов китобда расомнинг турли жанрларда ишлаган энг сара асарларини таҳлил этиш баробарида, бугунги кун рангтасвир жараёни, ҳаёт ва унинг рангдаги инъикоси масалаларига алоҳида диққатини қаратади. Китобда тасвирий санъат атамалари лугати, рангларнинг архаик ва халқона атамалари, илмий муомаладаги номлари, рангшунослик оид кузатишлар жозибали услубда баён этилган. Расомнинг эллиқдан ортқ портрет, картина, натюрморт, манзара ва этюдлари репродукциялари рангли зарварақларда, саҳифаларда эса оқ-қора тарзида қаламчиғилардан намуналар берилгани китобнинг қизиқарлигини таъминлаган.

Китобга С.Сафаева муҳаррирлик қилган.

Дилдора БЕРДИБЕКОВА



Да Винчининг номаълум асари

Швецариядаги шахсий коллекцияларнинг бирида Леонардо да Винчининг қарийб беш юз йил давомида номаълум бўлиб келган «Изабелла д'Эсте» портрети аниқланди. Тадиқот ишлари ҳали яқунланмаган бўлса-да, мутахассислар картина Уйғониб даврнинг машҳур рассомига тегишли эканига шубҳа қилаётгани йўқ. Сабаби, «Изабелла д'Эсте» портретининг бўёқ тарихи да Винчининг «Мона Лиза» картинасини чизиб қолдирган бўёқ қоричмаси билан бир хиллиги тасдиқланди. Бироқ мутахассислар «Изабелла д'Эсте»ни яратиш ишлари «Мона Лиза»дан аввалроқ бошланганини таъкидлашмоқда.

Аммо картина айнан қачон тугаллангани маълум эмас. Портретни яратиш ишлари Да Винчи Францияда яшаган йилларда давом этган бўлиши мумкин. Шунингдек, бу жараёнда машҳур расомнинг шоғирдлари ҳам иштирок қилгани тахмин қилинмоқда.

Кино ихлосмандларининг хабари бор, Жеймс Кэмероннинг «Аватар» филми жаҳон экранларида катта муваффақият қозонганидан сўнг бир қатор ижодкорлар машҳур режиссёрни кўчир-мачилиқда айблаганди. Жумладан, Ж.Кэмеронга тегишли «Lightstorm Entertainment» студиясининг собиқ ходимларидан бири Эрик Райдер «Аватар» филмининг воқеалари унинг «K.R.Z. 2068» фантастик ҳикоясидан ўзлаштирилганини таъкидлаганди. Э.Райдернинг даъво аризаси Лос-Анжелеснинг олий суди томонидан ҳам қабул қилинган.

Узоқ давом этган текширув ишлари сўнг ниҳоят Ж.Кэмерон «Аватар» филмининг сюжети «K.R.Z. 2068»дан кўчирилмаганини исботлашга эришди. Баъзи ўхшашликлар мавжуд бўлишига қарамай, суд ҳайати филмда-

ги воқеалар мазмуни ҳикояга мос ташмаслигини эътироф қилди. Бундан ташқари, Ж.Кэмерон ўз филмининг дастлабки сюжетини ўқувчилик йилларидаёқ яратганини исботлашга муваффақ бўлди. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш лозимки, Ж.Кэмерон «Аватар» филмининг яратиши «Титаник» картинасини суратга олиш ишлари яқунланганидан сўнг, 1997 йили бошланган режалаштирилган. Бироқ бундай филмни суратга олиш учун зарур бўлган технологик ускуналар ҳали мавжуд бўлмагани туфайли Ж.Кэмерон бу ижодий лойиҳани вақтинча тўхтатиб туришга мажбур бўлган.

«Discovery Channel» ҳамда «BBC» телеканаллари ҳамкорлигида пингвинлар ҳаётига бағишланган янги илмий-оммабоп филми суратга олиш ишлари яқунлангани расман эълон қилинди. «The Hollywood Reporter» нашрининг хабар беришича, мазкур филмининг одатий илмий-оммабоп картиналардан фарқи шундаки, томошабинлар пингвинлар ҳаётини бевосита ушбу ҳайвонларнинг кўзи орқали кузатиш имконига

«Discovery Channel» ҳамда «BBC» телеканаллари ҳамкорлигида пингвинлар ҳаётига бағишланган янги илмий-оммабоп филми суратга олиш ишлари яқунлангани расман эълон қилинди. «The Hollywood Reporter» нашрининг хабар беришича, мазкур филмининг одатий илмий-оммабоп картиналардан фарқи шундаки, томошабинлар пингвинлар ҳаётини бевосита ушбу ҳайвонларнинг кўзи орқали кузатиш имконига

«Discovery Channel» ҳамда «BBC» телеканаллари ҳамкорлигида пингвинлар ҳаётига бағишланган янги илмий-оммабоп филми суратга олиш ишлари яқунлангани расман эълон қилинди. «The Hollywood Reporter» нашрининг хабар беришича, мазкур филмининг одатий илмий-оммабоп картиналардан фарқи шундаки, томошабинлар пингвинлар ҳаётини бевосита ушбу ҳайвонларнинг кўзи орқали кузатиш имконига

эга бўлишди. Филм режиссёри Жон Даунернинг таъкидлашича, кино санъати тарихида бундай ноёб лойиҳага илк бора қўл урилди. Суратга олиш ишлари учун пингвин кўринишидаги махсус камералар яратилиб, улар ёрдамида пингвинлар ҳаётини мунтазам равишда кузатиб бориш имконига пайдо бўлди. Филм учун жами эллиқта ана шундай ускуналар тайёрланган. Уларнинг айримлари хатто пингвин тухуми ва полапонлари кўринишида ҳам ясалган.

«Penguins: Waddle All the Way» номини олган янги филм тақдироти 2013 йилнинг 7 декабрида «BBC» каналида бўлиб ўтади.

Хонанданинг бепул концерти

Яқин келажақда дунёнинг машҳур эстрада хонандалари концерт дастурларини шахар кўчаларида намойиш этишни бошласа ажаб эмас. Масалан, Лондондаги марказий кўчаларнинг бирида дастлабки ана шундай концерт дастурларидан бири бўлиб ўтди. Жаҳонга машҳур «Beatles» гуруҳининг азоси, танжиги

хонанда Пол Маккартни томонидан уюштирилган ушбу тадбир санъат ихлосмандлари учун ўзига хос таърихиди деб ҳисобланади. Сабаби, мухлислар таниқли хонанда кўшиқларини жонли овозда, бепул тинглаш имконига эга бўлишди.

Аммо Пол Маккартни бепул концерт дастури ташкил этиши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида хабар берилгани йўқ. Концерт бошланишидан бир соат олдин хонанда «Twitter» тармоғи орқали бу маълумотни расман эълон қилган. Шунга қарамай, ушбу тадбир икки мингдан ошди мухлис тўплашга эришган. Унда Маккартни яқинда тақдироти бўлиб ўтган «New» альбомидан ўрин олган кўшиқларни ижро этди. Концерт дастурининг умумий вақти йигирма дақиқани ташкил этган.

Чанна сарой қайта тикланади

Курилиш соҳасида фаолият юритувчи «Zhong Rong Group» компаниясининг раҳбари, хитойлик миллиардер Ни Чжаосин Лондон жанубидаги машҳур Чинни саройни қайта тиклаш гоёсини тақдимоти бўлиб ўтди. «The Guardian» нашрининг маълумоти беришича, мазкур лойиҳани амалга ошириш учун осийлик ишбилармон беш юз миллион фунт маблағ сарфлашни режалаштирмоқда.

Чинни сарой 1851 йили Лондонда ўтказилган халқроқ кўргазма муносабати билан қурилган бўлиб, уни яратишда асосан металл ва шишадан фойдаланилган. Тўқсон минг квадрат метр майдонни эгаллаган мазкур бионинг баландлиги эса ўттиз уч метрни ташкил қилди. Шу туфайли ҳам Чинни сарой ўз даврининг энг замонавий меъморилик намуналаридан бири сифатида баҳоланган. Афсуски, гўзал ташқи кўринишга эга бўлган ушбу улкан бино 1936 йили ёнғин туфайли вайрон бўлди ва қайта тикланмади. Ни Чжаосин таъкидлашича, Чинни саройини асл кўриниши бўйича тиклаш режалаштирилган бўлиб, ўз ичиди меҳмонхона, галерея ва кўргазма залларини қамраб олади. Бу гоёна Лондон шахри хокими Борис Жонсон ҳам маъқуллади. Агар лойиҳани Лондоннинг туман маъмурияти ҳам тасдиқласа, Чинни саройни тиклаш ишлари 2015 йилнинг қиш ойида бошланади.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Тўғриси айтсам, ҳафталик газета-ларда чоп этилганидан «Юлдузлар башорати»ни ўқибни хуш кўраман. Чунки кўпинча само ёриткичларнинг кароматлари тўппа-тўғри чиқади. Баъзи башоратлар оз-моз ҳақиқатга чамалашса, қолганини ўзим тўғрилай юборавераман.

Кечаги яқинда кунга газет дўконининг олдидан тўхтамай ўтиб кетмоқчи эдим, лекин ойнага қўстириб қўйилган ҳафталик газетга кўзим тушиб, беихтиёр ортимга бурилганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Олиб кўрай-чи, юлдузлар башоратида хотиним билан аразлашиб юр-

этиб қўйиб, ўрнидан туриб кетди.

Ана холос! Қош қўяман, деб кўз чикардим, шекилли. Бу дейман, осмондаги юлдузлар ҳам ердаги фолбинларга ўхшаб ёлғонга уста бўлиб кетган, шекилли.

Ниҳоят, орзиқиб қўтилган сешанба ҳам етиб келди. Умр йўлдошимнинг дийдаси юмшайдиган кун! Тушлик пайти уйга гўё қанот боғлаб учиб келдим. Хотиним гамхўр юлдузларнинг хайрли таъсирига тушиб, каминани гул-гул яшнаб қўтиб олишига ишончим комил эди. Аммо у ос-

пуннинг каттагина қисмини хотинга бахшида этишга қарор қилдим. Эгнига палто, оёғига этик, бошига яхши бир рўмол олиб бераман. Боя икки кўйлақлик матони эшитиб бекорга аччиқланмади. Ўзим ҳам жуда бахил бўлиб кетибман, шекилли.

Эртаси кун ишхонада тушга довр эшикка умид билан кўз ти-киб ўтирдим. Лекин ҳеч ким ҳеч нарса келтириб бермади. Аслида, мўмай даромад қаердан келишини ўзим ҳам билмайман. Биронтасига бериб қўйган омонатим ҳам, бирон ердан келадиган пулниг дарағи ҳам йўқ. Шундай бўлса-да, мўмай даромаддан кўнгул узганим йўқ. «Юлдузлар

турган йўл ҳаракати нозири югуриб чиқиб, ола тағбини кўтарди.

— Тинчликми иним, биздан нима хатолик ўтди? — дедим хужжатларни узата туриб.

— Теъликми оширдингиз, — деди у пинагини бузмай.

— Сезмай қолибман.

— Баённома ёзамиз, кейинги гал эҳтиёт бўласиз.

— Иним, бир мартагина...

— Иложим йўқ, хизматчилик!

Баённома тузилди. Каттагина жарима тўлайдиган бўлдим. Мана, сenga "мумай даромад"! Хотинга янги палто оламан эмиш! Кийиб юрган палтосини эски бозорга чиқариб сотмасам ҳам катта гап ҳали.

Пайшанба, жума кунлари одатдагидай тинч ўтди. Юлдузлар башоратида бу кунлар ҳақида ҳеч нарса ёзилмагани учун алағда бўлмадим.

Безовталик шанба кун бошланди. Башоратдаги гаплар рост бўлса, бугун кўнгулли саёҳатга чиқишим керак. Хайронман. Саёҳатга чиқиш учун самолётга ҳам, поездга ҳам чипта олганим йўқ эди.

Уйлаб-уйлаб, "Ёр-биродарларнинг биронтаси уйига меҳмонга чорласа керак", деган тўхтамага келдим. Изласа тополмай юрсамин, деб кечкурун телефони бошимга қўйиб ётдим. Хар кун эрмакка жиринглаб ётадиган телефон ҳам жўртага қилгандай шу қуё "гунг-соков" бўлиб олди.

Дам олиш кунлари жудаям сокин ўтди. Мен ўнга, хотин сўлга қараб оват едик. Ўй жим-жит бўлганидан хар бир ютган лўкма томоғимдан қандай ўтаётгани баралла эшитилиб турарди.

Бир амаллаб тонг оттирдим. Душанба кун эрталаб газаб отига миниб тахриратга йўл олдим. Котиба қизнинг ҳай-хайлашига ҳам қарамай, муҳаррирнинг хонасига бостириб кирдим. Қуйиб-пишиб, ора-сера столга мушт тушириб, бўлган воқеани ўнга айтиб бердим. Муҳаррир гапларимни эшитиб бўлғач мийиғида қулди.

— Мен ҳам сизга ўхшаб юлдузлар башоратига ишонаман, — деди у пинагини бузмай. — Лекин шу гал башоратнинг янгисини тополмай, бултурги газетадан кўчириб босган эдик.

Соғлағанг — бойлағанг...

КЎЗ НЕГА ТОЛИҚАДИ?

Чарқоқни бартараф этишнинг оддий усуллари

Аҳолининг 70 фоизда, ёшига қараб эрта ё кеч, кўриш қобилияти сусаяди. Бироқ кўзнинг кўриш қобилиятини кучайтириш хар кимнинг ўз қўлида. Бунинг учун кўз парваришига алоҳида аҳамият қаратиш зарур. Аввало, А ва D дармондориларига бой неъматлар билан овқатланиш керак. С, Е ва В2 дармондорилари, рух, ўсимлик экстрактлари, таркибида каротин сероб махсулотлар ҳам кўз фаолияти билан боғлиқ жараёнларда фаол иштирок этади. Бундан ташқари:

- компьютер билан ишлаш қондаларига қатъий риюз этиш керак; монитор билан кўз орасидаги масофа тўғрига узатилган қўл узунлигига бўлсин; хар 40 дақиқада танафус зарур (телевизор кўраётганда ҳам); оддий машқлар бажариш, ҳовида эса зўриқшини бартараф этиш учун кўзларни тез-тез пирпиратиб туриш яхши самара беради;
- китоб ўқиш гигиенасига ҳам риюз этмоқ керак: ўқиётганда нур манбаи орқадан ва бироз юқориқордан тушсин; ёруғлик ўткир ҳам, хира ҳам бўлмасин; ҳаракатдаги транспорт воситаларида китоб ё газета ўқиманг; ўқиётган нарса билан кўз ораси 30 сантиметрдан яқин бўлмасин;
- махсус кўз машқларини мунтазам бажариб боринг;
- кўзни жароҳат, инфекция ёки лат ёйишдан асранг;
- йилда бир марта кўз шифокорига учрашини канда қилманг.

Айни чоғда доимий равишда кўзни толиқтирадиган фаолият билан шуғулланувчилар кўз толиқишларини вақтида бартараф этиб бормоғи керак. Айниқса, компьютерда кун бўйи ишловчилар. Уларда кечга бориб кўз қизариши, ёшланиши кузатилади.

Қуйида кўз чарқоғини бартараф этиш учун қулай ва уй шароитида бажариладиган 10 та оддий усулни тақлиф этамиз.

1-усул. Мойчечак ёки шивитдан компресс.

Бир ош қошиқ мойчечак ёки шивитни ярим стакан қайноқ сувга дамлаб 10 дақиқа сақланг. Сўнгра сузиб олиб, икки идишга бўлиб қуйинг. Биттасидан иссиқ, иккинчисидан эса совиган ҳолида фойдаланинг: яъни уйқудан олдин 10 дақиқа мобайнида доқа салфеткани шу дамламага ҳўллаб, навбати билан — иссиқ ва совуқ салфеткаларни кўзаларга қўйинг. Бундай контрасти муолажаларни эҳтиёжга қараб, ҳафтада уч марта бажарган маъқул.

2-усул. Гулхайри гулбарғларидан компресс.

Гулхайрининг янги гулбарғларини совуқ сутга ботириб ҳўлланг ва 15 дақиқа кўз остига қўйинг. Сутнинг ўзидан ҳам шу мақсадда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун сутни қайнатиб, тўла совуғач, тоза момик пахта хўллаб, кўзга қўясиз. 15 дақиқа ўтгач эса, совуқ маъданли сувда кўзни ювиб ташлайсиз.

3-усул. Наъматак дамламасидан малҳам.

Бир стакан қайноқ сувда икки чой қошиқ қуруқ наъматак мевасини дамланг. Ҳосил бўлган дамлама кучсиз оловда 5 дақиқа қиздирилиб, ярим соат тиндирилади. Сўнгра нам шимадиган момик тампон ботирилиб, 15-20 дақиқа огриган кўзга қўйилади. Бу муолажа кўз шиллик пардаси яллиғланганда ҳам қўлланади.

4-усул. Пакетчали чой — тезкор муолажа.

Бу муолажада дамланган, ҳеч нарса қўшилмаган оддий қора чой пакетчалари қўл келади. Илик ёки совуған чой пакетчаларини кечкурун ёки эрталаб нонушта чоғида ҳам кўзга қўйса бўлади. Муолажа яхши самара берсин, десангиз пакетчани кўзга қўйган маъқул.

5-усул. Намловчи томчилар.

Бундай томчилар кўз ёши томчилирига айнан ўхшашдир. Уни кўз косасида бирор ўнғайсизлик сезилганда кунинг истаган вақтида қуйиш мумкин.

6-усул. Сўх муолажаси.

Кўз қизариб, ёшлана бошласа, бир ош қошиқ сўкни ювиб, ярим литрни идишда қайнаб турган сувда 5-7 дақиқа пиширинг. Аралашмани бошқа идишга қуйиб совутинг ва ухладдан ярим соат олдин у билан кўзингизни ювинг. Шу иссиқ дамламада ивтиб олинган тампонни уйқудан аввал кўз қоғоғига қўйинг.

7-усул. Хом картошка.

Тўйиб ухламаслик оқибатида кўз яллиғланса, оддий хом картошка ёрдам беради. Иккита ўртача катталиқдаги картошкани олиб, пўстини арчинг, сўнг майда кирғичдан ўтказинг. Ҳосил бўлган тўппани доқа халтачага солиб, 20 дақиқа кўз устига қўйинг.

8-усул. Бодрингдан компресс.

Бундай муолажа учун бодрингдан юпқароқ икки бўлак кесиб олиб, 15 дақиқа кўзлар устига қўйиш кифоя.

9-усул. Бир оз танафус.

Кўзалардаги чарқоқни йўқотиш учун бир оз ишдан танафус қилиш ҳам наф беради. Ўзингизни эркин қўйиб, 1-2 дақиқа кўзларни юминг ёки ниғоҳингизни бошқа нарсаларга қаратинг. Шунингдек, кафтингизнинг орқа тарафини юмўқ ҳолдаги кўз устига енгил қўйиб, кафтингизни олиб, кўзингизни очинг. Муолажани ўн марта тақрорланг, кам бўлмасин.

10-усул. Кўз учриш.

Бу муолажани хар қандай шароитда: мажлисда ўтирганда ҳам, машина бошқараётганда ҳам бажариш мумкин. Кўзни тез-тез, жадал очиб ёпинг. Кўзни тез учририш толиққан кўз учун бўшаштирувчи машқ ҳисобланади.

Шуни унутмангки, хар қандай компрессдан сўнг кўз атрофи терисига тўйинтирувчи крем суртиш керак. Мабода кўз муттасил толиқса, яхсиси шифокорга мурожаат қилинг.

Интернет хабарларидан.

Муратбай НИЗАНОВ, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси

ЮЛДУЗЛАР ЁЛҒОН СЎЗЛАМАЙДИ

ганим ҳақида ёзилганмикин?

Садагаси кетай, синчков юлдузлар шундан ҳам беҳабар қолишмабди!

«...Умр йўлдошимиз билан орангиздаги гина-қудурат сешанба кунги барҳам топди. Албатта, бунинг учун ўзингиз ҳам ҳаракат қилишингиз керак. Чоршанба кунги мўмай даромадга эга бўласиз. Шанба-акшанба кунлари эса сизни мароқли саёҳат қўтиб турибди...»

Юлдузларнинг ёқимли башоратидан кайфиятим чоғ бўлиб уйга қайтдим. Кела солиб, хотинимнинг қош-қовоғига қарадим. Йўқ, ҳали арази тарқамабди. Қайтанга қоллари баттар чимирилган. Майли, ҳозирча ноз-финоқ қилаверинг, хоним, сешанба келса кўрамиз аҳолинингизни, дедим ўзимча.

Эрталаб дастурхон бошида хотиним кунчиқарга, мен қиблага қараб чой ичдик, афтидан ўнга унча-мунча юлдузнинг кучи етмайдиганга ўхшайди. Шу пайт бирдан башоратдаги маслаҳат ёдимга тушиб қолди. Ахир, унда "умр йўлдошимиз билан муросага келиш учун ўзингиз ҳам ҳаракат қилишингиз керак", дейилган эди-ку!

Нима қилсам экан-а? Қандай гап айтсам бунинг қоғоғи очилади? Уйланмасдан бурунгидай "жоним-асалим" деб хушомад қилишга болалардан уяламан. Таваккал, дея газетанинг охириг саҳифасида босилган "Фойдали маслаҳатлар"дан гап очдим.

— Одам эрталаб чой ўрнига бир коса сўт ичса, кун бўйи ичагига ёпишган захарли моддаларни ювиб юбораркан.

— Мен сизга ўхшаб кунда кунора "захар" ичиб юрганам йўқ! — дея хотиним қўлидаги косани столга дўқ

тонада менга кўзи тушиши билан лабини буриб ичкарига кириб кетди. Тушлик ҳам унча татимади. Чунки мен овқатланиб бўлгунимча хотинбой дастурхонга яқин йўламади. Чиқмаган жондан умид дея кеч тушишини кутдим.

Оқшом тим-тирс ўтириб гуртик* едик. Хонада фақатгина лабларимизнинг шапиллаган товуши эшитилади, холос. Эр-хотин тумшайиб ўтирганимиз учун болалар ҳам бир нарса дейишга ботинолмайди. Ортик чидолмадим. Муросанинг йўлини топшим керак, ахир.

— Худо хоҳласа, эртага мўмайгина даромаднинг иси келиб турибди, — дедим илжайиб. — Бозорда тузукроқ мато бўлса, ўзингизга икки кўйлақлик олиб, тиктирсанг-чи?

— Биров сизга қўйлақ олиб беринг, дедими? Худога шукр, яланғоч ўтирганим йўқ. Кафан керак бўлса, қизларим ҳам олиб беради, — деб хотиним қўлини сочиққа артиб, ўрнидан туриб кетди.

Бу замоннинг юлдузлари "халтуралашиб" кетибди, дедим ичимда гижиниб. Хотин билан муросамиз келишмаган бўлса-да, эртанги мўмай даромад ҳақидаги ширин орзулар билан тўшаққа ётдим. Туни билан кўлимга қанча пул тушиши мумкинлигию уни нималарга сарфлаш ҳақида бош қотирдим. Лекин қўйибдан келажақ ақчанга аниқ миқдорини билмагандан кейин уни қаерга сарфлашни чамалаш ҳам қийин экан. Нима бўлганда ҳам ўша



ёлғон сўзламайди. Қўтилмаган бир жойдан мўл-кўл фойда келиб қолса ҳам ҳеч гап эмас", деган яхши ниятда кун бўйи идорадан ташқарига чиқмадим. Лекин бе-фойда. Кеч тушганда ҳафсалам пир бўлиб кўчага чиқдим.

Машинада уйга қайтаётиб жahl устида газни қаттиқроқ босибман шекилли, қаршимдаги теракнинг панасида пойлаб

ёлғон сўзламайди. Қўтилмаган бир жойдан мўл-кўл фойда келиб қолса ҳам ҳеч гап эмас", деган яхши ниятда кун бўйи идорадан ташқарига чиқмадим. Лекин бе-фойда. Кеч тушганда ҳафсалам пир бўлиб кўчага чиқдим.

Машинада уйга қайтаётиб жahl устида газни қаттиқроқ босибман шекилли, қаршимдаги теракнинг панасида пойлаб

ёлғон сўзламайди. Қўтилмаган бир жойдан мўл-кўл фойда келиб қолса ҳам ҳеч гап эмас", деган яхши ниятда кун бўйи идорадан ташқарига чиқмадим. Лекин бе-фойда. Кеч тушганда ҳафсалам пир бўлиб кўчага чиқдим.

ёлғон сўзламайди. Қўтилмаган бир жойдан мўл-кўл фойда келиб қолса ҳам ҳеч гап эмас", деган яхши ниятда кун бўйи идорадан ташқарига чиқмадим. Лекин бе-фойда. Кеч тушганда ҳафсалам пир бўлиб кўчага чиқдим.

ёлғон сўзламайди. Қўтилмаган бир жойдан мўл-кўл фойда келиб қолса ҳам ҳеч гап эмас", деган яхши ниятда кун бўйи идорадан ташқарига чиқмадим. Лекин бе-фойда. Кеч тушганда ҳафсалам пир бўлиб кўчага чиқдим.

Қорақалпоқ тилидан
Гафур ШЕРМУХАММАД
таржимаси.

Равшан ИСОҚОВ



Эшакдай ит
Писиб ётиб,
Ортимиздан қувлагани.

Қармоқ ташлаб,
Тутдик балиқ.
Қиш бўлса-да,
Ҳаво илқ.
Йўқ сув бети яхлагани.

— Абдурайим,
Илворт хўрак, —
десам, у-чи
Тортар хуррак
Борган экан ухлагани.

АКАМАН
Акаман-да, мен укамга
Қарашаман.
Музқаймоғин божонидил,
Ялашаман.

КИЧИК БОҒБОН
Ўтган йил баҳор,
Боғимга анор.
Эккандим ўзим,
Яшнабди ўсиб.
Ҳосили ҳам бор, —
дейди кичик Нор.
— Ниятим улғу,
Пишганда қуруқ
Қўямасман сизни,
Кутяпман қузни.

Мадина САИДОВА



Чойнакнинг дегани

Жонимга тегиб кетди,
Совуқ сув, иссиқ чойлар.
Бу дунёда бормикан,
Пилалар йўқ жойлар.

ЯРАШАДИ

Хар бир хаста, беморга
Чин кўнгулдан қарашар.
Дунёда ёлғон сўз ҳам
Шифокорга ярашар.

АПДАР КЎСА

Кийиб олдим
Ростнинг тўнини,
Топдим, ашашнинг
Осов йўлини.

АҲАБО

Ажаб ҳазил, гаройиб,
Ажойиб бир кино.
Одамлардан одамни
Итлар қилар ҳамоя

ВУЛҚОН

Ўтдир, оловдир,
Унинг асоси,
Вулқон тоғларнинг
Сабр косаси.

ХОНИМЛАР БОР...

Чиройли қаёларга кўзингиз тушса бўлди,
уйингиз қаердалиги ҳам эсингиздан чиқиб
кетади.
Хотиннинг рашки.

Мени "Биродарлик қабристонига" олиб
бориб қўйинг.
Йўловчининг ҳайдовчига илтимоси.

Хар қандай қоринни бир қунда йўқотамиз.
Рекламадан.

Тўйхонага одамлар сизмай кетди.
Айтилгандан айтилмаганлар кўп.
Тўй эгасининг керилиши.

Қулоққа чалинган гаплар

Кеп қолинглар, жаноблар. Хонимлар бор,
хонимлар.
Хоним сотувчининг ҳазили.

Қорақўнғиздай қизларнинг тиллақўнғиздай
ясаниб олганига ўлайми?
Дугоналар гийбати.

Фақат севги билан қорин тўймайди,
Келиннинг илтижоси.

Огайним шишакўз эди. Шишадан сира кўз
узмасди.
Улфатлар гурунгида.

Соғинган севгилингиз билан сокин
соҳилларда учрашинг.
Сихаттоҳдаги шпор.

Бугун юртдошларимиз гиламга чиқади.
Спорт шарҳидан.

Бозордан битта тил оламан деб, тилимни
тишлаб қолдим.
Харидор аёл ҳасрати.

Хусанбой ТОЖИМАТОВ

ОЙИЖОНИМ

Хар кун эрталаб,
Суюб эркалаб.
Сочларим тараб,
Ортимдан қараб.
Кузатар доим,
Боғчамга ойм.

Эшикдан бўйлаб,
Эртанимн ўйлаб,
Севинчдан яйраб,
Меҳр-ла сийлаб.
Қаршилар доим,
Боғчамдан ойм.

Йўлда

— Сусайди-ку юришинг,
Чарчадингми айт, кўзим?
Қани менга келақол,
Қўтариб олай ўзим.

— Чарчамадим мен ҳали,
Оёғим голди бир оз.
Уши сиз кўтарсангиз,
Ойижон, бўларди соз.

МЕҲРИБОНЛИК

Мушуквой дер сичқонга:
— Ким етар сен чаққонга.
Ўзинга эҳтиёт бўл,
Тушиб қолма қопқонга.

Мен-ку ҳориб-толганман,
Бир оз кучдан қолганман.
Бутун овга хушим йўқ,
Чунки тўйиб олганман.

БАЛИҚ ОВИДА

Қайтармасдан
Ҳоҳиш, раъйим,
Бирга борди
Абдурайим
Кўлга балиқ овлагани.

Ҳаммасидан
Тушди ўтиб,

Ушун ўқиман

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ
ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: "МАБҲУТ ТАРКАТУВИ"
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз: uzas@exat.uz
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Тахририятга келган қўймақлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нотиши назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб — **Асрор СУЛАЙМОНОВ**
Навбатчи муҳаррир — **Аҳмад ОТАБОВ**
Саҳифаловчи — **Элёр МАХМУДОВ**

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Тўроғ кўчаси, 41-ўй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.18

ЖУМА КЎНЛАРИ
ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X
4772161614000

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигинда 13.06.2007 йил 0283-рандан
билан рўйхатга олинган. Адади — 4334. Буюртма № — 1044. Ҳафта — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5